

Фитна авж олган пайт
суннатни ушлашнинг
фазилати

[Ўзбекча – Uzbek – الأوزبكي]



Шайх Муҳаммад Солиҳ
Мунажжид



Мутаржим: Абу Абдуллоҳ Шоший

Муҳаррир: Абу Муҳаммад Али Бухорий

فضل التمسك بالسنة زمن انتشار الفساد

[Ўзбекча – Uzbek – الأوزبكي]



الشيخ محمد صالح المنجد



ترجمة: أبو عبد الله الشاشي

مراجعة: أبو محمد علي البخاري

Бисмиллаҳир роҳманир роҳим

Савол: Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Ким умматим фасодга тушган маҳал менинг суннатимни ушласа (уни ихё қилиб, амал қилса) унга юзта шаҳиднинг ажру савоби берилади”, деган эканлар. Шу ҳадис саҳиҳми? Агар саҳиҳ бўлса, суннатни ушлаган киши бўлиши учун инсон қайси амалларни кўпайтириши керак? Мен Араб диёрида яшайман, у ердаги аҳвол сир эмас, ҳаром нарсаларни тарк қилишнинг ўзи бунга кифоя қиладими?

Жавоб: Оллоҳга ҳамду санолар бўлсин...

Биринчидан: Пайғамбар суннати нажот кемаси ва омонлик жойидир. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам уни ушлашликка ва безътибор бўлмасликка тарғиб қилиб, шундай деганлар: “Менинг суннатимни ва тўғри йўлга йўлланган рошид халифаларнинг суннатини маҳкам ушланглар ва уларни озик тишларингиз билан тишлаб олинглар ҳамда янги пайдо қилинган ишлардан узоқ туринглар, зеро ҳар бир янги пайдо қилинган иш бидъатдир ва ҳар бир бидъат эса залолатдир” (Абу Довуд ривояти (4067). Албоний саҳиҳ деган).

Ёмонлик ва фасод урчиган, бидъат ва фитналар авж олган дамда суннатни маҳкам ушлашнинг савоби янада улкан ва суннатни ихё қилганларнинг манзилатлари яна ҳам юксак ва мўътабар бўлади. Зеро улар зулматлар ўртасида суннат нурина кўтарганларича одамларни бузилишига олиб келган нарсаларни тузатишга ҳаракат қилиб ғариб бўлиб яшашмоқда.

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Ислом ғариб бўлиб бошланди ва яқинда бошлангани янглиғ ғарибликка қайтади. Ғарибларга жаннат бўлсин”, дедилар. “Эй Аллоҳнинг Расули, улар кимлар?” деб сўралди. У зот: “Улар одамлар бузилганда ислоҳ қиладиган кишилардир”, дедилар (Абу Амр Доний “Ас-суан ал-ворида фил-фитан” китобида Ибн Масъуддан ривоят қилган. Албоний “Ас-силсила ас-саҳиҳа”да саҳиҳ деган. Ҳадиснинг асли “Саҳиҳи Муслим” (145-р.)да келган).

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Шубҳасиз, ортингиздан сабр қилиш қийин бўлган кунлар келади. Ўшанда сабр қилишлик худди чўғни чангаллаш сингари қийин бўлади. Улардан бир амал қилувчига унинг амали каби амал қилган эллик кишининг савоби берилади”, дедилар. “Эй Оллоҳнинг Расули, улардан эллик

кишининг савобими?” деб сўрадилар. У зот: “Сизлардан эллик кишининг савоби”, дедилар (Абу Довуд (4341), Термизий (3058) ривояти. Термизий ҳадисни ҳасан деган. Албоний “Ассилсила ас-саҳиҳа” (494)да саҳиҳ деган).

Ҳадиснинг бошқа ривоятида: “Улар суннатимни ихё қилиб, уни одамларга ўргатувчилардир”, деганлар.

Суннатни маҳкам ушлаш бир нечта нарсалар билан юзага чиқади:

1- Фарзларни амалга ошириш ва ҳаромлардан узоқ туриш;

2- Эътиқодий ва амалий бидъатлардан сақланиш;

3- Қўлидан келганича, баҳоли қудрат суннат ва мустаҳаб амалларни татбиқ қилиш;

4- Одамларни яхшиликка чорлаш ва имкони борича ислоҳ қилишга ҳаракат қилиш.

Шайх Ибн Жибрийннинг “Илтизом¹нинг ҳақиқати” ҳақидаги маърузасида шундай кел-

¹ Илтизом — риоя қилмоқ, амал қилмоқ, бирор мажбуриятни ўз зиммасига олмақ, деган

ган: “Шак-шубҳасиз Пайғамбаримиз суннати китобларга ёзилган ҳолда мавжуд ва уни қидирган киши осонлик билан топади. Бизнинг зиммамиздаги нарса уни қидиришдир. Агар битта суннатни ўргансак, унга амал қилишимиз лозимки, ҳатто “фалончи илтизомли” деган сўзга лойиқ бўлайлик. Суннатга қиё боқмаган, уни ҳақир санаган, мазах қилган ва шу кабиларга эътибор бермаслигимиз керак.

Суннат — баъзан фарз ва вожиблардан, баъзан динни комил қилувчи ва мустаҳаб амаллардан, гоҳида эса одоб ва ахлоққа тааллуқли амаллардан бўлиши мумкин. Шунинг учун мусулмон киши Оллоҳдан ажр-савоб умид қилган ҳолда баҳоли қудрат ҳар бир суннатга амал қилмоғи даркор.

Илтизомли киши ҳар қачон бир ҳадисни эшитса, агарда у амалларни тўлдирувчи ёки нафл ибодатлар жумласидан бўлса-да, дарҳол уни ҳаётига татбиқ қилишга ва унга амал

маъноларни билдиради. Бу ўриндаги илтизом ва мултазим, яъни илтизомли киши деганда диний вожиботларга тўла риоя қилган, намоз-у ниёзи жойида бўлган киши назарда тутилган. (Таржимон)

килишга бутун ғайратини сафарбар қилади. Масалан, сиз уни масжидга биринчилардан бораётганини, бошқа бирининг ундан ўзиб кетмаслигига ҳаракат қилаётганини кўрасиз. Уни бошқалардан кўра кўп Қуръон ўқувчи, кўп зикр қилувчи, ибодатларда полвон эканини кўрасиз. Бутун амаллари ва ибодатларида суннатга эргашаётган, бидъатлардан йироқ эканлигини кўрасиз. Бундай ибодат ва амаллар Оллоҳнинг ҳузурида мақбулдир. Зеро қачон амали қабул бўлса, мусулмон киши Раббининг розилигига эришибди демакдир. Оллоҳдан амалларимизни даргоҳида ҳусни мақбул айланини сўраймиз, шубҳасиз У — Эшитгувчи ва Мужийб-дуоларни қабул қилувчидир”. Иқтибос тугади.

Шайх Солиҳ Фавзон ҳафизахуллоҳ “Ал-Мунтако”да шундай дейди:

“Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам-нинг суннатларини маҳкам ушлаб, уни муҳофаза қилмоғинг ва шу сабаб сени ажратиб қўйганларга-ю, маломат қилганларга қиё боқмаслик сен учун вожибдир. Айниқса, агар бу мустаҳаб эмас, амал қилишлик вожиб бўлган суннатлар жумласидан бўлса, уни маҳкам ушлаб, муҳофаза қилмоғинг шартдир. Яна бунда иш ортиқча талабчанлик даражасига бормаслиги лозим, борди-ю, иш қаттиқ

талабчанлик даражасига етса, бу яхши эмас. Лекин сен суннатни татбиқ қилиш ва унга амал қилишда чуқур кетмасдан, қаттиқ талабчанлик қилмасдан ҳамда бепарволикка ҳам, ғайратсиз-ликка ҳам йўл қўймасдан ўртамиёна ва мўътадил бўлишинг лозим, мана шу сендан талаб қилинган нарсадир. Ана ўшанда ҳар қандай ҳолатда ҳам савоб оласан, иншаоллоҳ. Шундай экан, Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва салламнинг суннатларини маҳкам ушлагин”. Иқтибос тугади.

Иккинчидан: Муҳтарам савол берувчи айтиб ўтган ҳадисга келсак, одамлар бузилган маҳал суннатни маҳкам ушлаган кишига бир ёки юз шаҳиднинг савоби берилади, маъноси-даги ҳадис заифдир, саҳиҳ эмас. Келинг, бу ҳадис ҳақида айтилган гапларга тўхталайлик:

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинди, Набий соллalloҳу алайҳи ва саллам дедилар: “Умматим бузилган пайтда менинг суннатимни маҳкам тутган кишига шаҳиднинг савоби берилади” (Табароний “Ал-Асват” (2/31)да, Абу Нуъайм “Ҳилятул авлия” (8/200)да ривоят қилган).

Бу ҳадиснинг санадида иккита иллат бор:

1. Ҳадис санадида Абдулмажид ибн Абдулазиз ибн Абу Руввод якка ўзи бўлиб қолган, ҳолбуки

унга ўхшаш васфларга эга бўлган ровийларнинг яқка бўлиб қолиши қабул қилинмайди.

2. Ровийлардан бири Муҳаммад ибн Солиҳ Узрийнинг мажхул эканлиги. Ҳайсамий “Мажмаъ аз-заваид”да у ҳақида шундай дейди (1/172): “У ҳақида бирор маълумот берган кишини кўрмадим”.

Ва шу сабабдан шайх Албоний раҳимаҳул-лох “Заиф ҳадислар силсиласи” китобида (327) бу ҳадисни заиф санаган.

Ибн Аббос разияллоху анҳумодан ривоят қилинади, Пайғамбар соллаллоху алайҳи ва саллам: “Ким умматим фасодга тушган маҳал менинг суннатимни ушласа (уни ихё қилиб, амал қилса) унга юзта шаҳиднинг ажру савоби берилади”, дедилар (Ибн Адий “Ал-Камил”да (2/327) ривоят қилган). Бу ҳадиснинг санади ўта заифдир. Ундаги ровийлардан бири Ҳасан ибн Кутайба, ҳадиси олинмайдиган кишидир. “Лисонул мизон” китобидан (2/246) у киши-нинг таржимаи ҳолига қарашингиз мумкин.

Ва шу сабабдан шайх Албоний раҳимаҳул-лох “Заиф ҳадислар силсиласи” китобида (326) бу ҳадисни заиф санаган.

Оллоҳ яхшироқ билгувчидир.

